



# ADOLAT

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

adolat\_sdp@doda.uz • www.adolat.uz

№ 42 (847) • 2011 йил, 7 октябрь, жума

## Интеллектуал мулк ҳимояси

дастурий ғояларимиз ва электоратимиз манфаатларига ҳамоҳанг

Фракция йиғилиши

Илҳос САХАТОВ,  
«Adolat» мухбири.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция аъзолари, экспертлар, партия фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган йиғилишда Олий Мажлис қўй палатасининг навбатдаги мажлиси муҳокама-сига қўйилаётган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Кун тартибидagi биринчи масала — «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари А.Кирғизбоев маъруза қилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Фуқаролик ва Оила кодексларига, шу билан бирга, «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги, «Хўжалик юри-тувчи субъектлар фаолияти-

нинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги, «Мада-ний бойликларнинг олиб чи-қилиши ва олиб кирилиши тўғрисида»ги, «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жами-ятлар тўғрисида»ги, «Муал-лифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги ҳамда «Риэлторлик фаолияти тўғри-сида»ги Ўзбекистон Республи-каси қонундарининг бир қатор моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши на-зарда тутилмоқда.

Давоми 2-бетда ➤



## Наманганликлар қувончи чексиз

Фахр

Олимжон НУРИДИНОВ  
«Маҳалла» хайрия жамғармаси  
Наманган вилоят бўлими раиси.

Истиқлол шарофати наманганликлар юрагига яқин. Мустақилликнинг нури, истиқболли йўли эса қандай бе-баҳо неъмат эканлигини вилоят аҳли яхши билади.

Ахир, мустақиллик тонги отгунча қанча-қанча таш-вишлар, муаммолар бошга тушганини, уларни даф этиш-га айнан мамлакатимиз раҳ-бари бош-қош бўлганини унутиб бўладими? Шу сабаб-ли Президентимиз Ислам Каримовнинг вилоятга қила-диган ҳар галги ташрифи на-

манганликлар учун катта бай-рамга айлиб кетади. Бун-дай ҳолат бугунги кунимиз-нинг катта ҳақиқатидир. Мам-лакатимиз раҳбарининг бу галги ташрифи ҳам бундан истисно эмас.

Бу ташриф Наманганга янги рух, кўтаринки кайфият бағишлади. Президентимиз

томонидан вилоятнинг мам-лакатимиз ижтимоий-иқтисо-дий ҳаётида тутган ўрнига бе-рилган юқори баҳосини на-манганликлар яхши билиша-ди ва қадрлашади.

Маълумки, айни мустақил-лик йилларида халқимиз ва юртимиз ҳаётида тарихий ўзгаришлар юз берди. Вило-ятда кишини лол қолдирувчи ўзгаришларнинг рўй берган-лиги, аҳоли турмуш фаровон-лигининг юксалганлиги ҳаёт ҳақиқати бўлди. Бу ўринда мисоллар, рақамлар келти-ришга эҳтиёж йўқ. Биргина давлатимиз раҳбарининг На-манган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилма-сини ривожлантиришга оид чора-тадбирлар дастури тўғрисидаги қарори асосида олиб борилаётган улкан бунёдкорликлар натижасида қад ростлаган Хотира хиёбо-ни, «Қамолот боғи», Кичкин-тойлар боғи, «Ёшлар марка-зи», замонавий лойиҳа асо-сидаги янги уй-жойлар, кенг ва раван йўллар наманган-ликлар шижоатига шижоат қўшмоқда.

Мен бир наманганлик си-фатида вилоятнинг кейинги 50 йиллик ҳаётини яхши би-ламан. Бугунги юз берган ўзгаришларни асло ўтмиш билан таққослай олмайман. Муҳташам уй-жойлар, мактаб, институт ва университетлар, коллежларнинг янги бинола-ри, қўшма корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-лик субъектлари, янги банк-лар, савдо расталари, кўркам боғлар...

Давоми 2-бетда ➤



Давоми 2-бетда ➤

## Тўрт нафар боксчимиз олимпия йўлланмасини қўлга киритди

«Жаҳон чемпионати — 2011»

Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида давом этаётган бокс бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жа-моаси аъзоларидан Элшод Расулов, Орзубек Шоимов, Фазлиддин Гоибназаров ва Жасур Латипов чорак фи-налга чиқиб, келаси йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмасини қўлга киритди.

Дунёнинг бир юз ўндан зийд мамлакатидан олти юз нафарга яқин боксчи иштирок этаётган жа-ҳон чемпионатида 81 килограмм вазн тоифасида Элшод Расулов нимчорак финал учрашувида бра-зилиялик Ямагучи Фалкани 17:12 ҳисобида, Орзубек Шоимов мол-

довалик Вячеслав Гоянни 13:8 ҳисобида, 20 ёшли Фазлиддин Гоибназаров германиялик тажри-бали боксчи Эуген Бурхардни 8:7 ҳисобида доғда қолдирди. Жа-сурбек Латипов швейцариялик Сало-мо Нтувени 10:7 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Давоми 2-бетда ➤

## Ўзбекистон кучлилар сафида қолади

Жаҳон банкининг эътироф этишича, 2012 йилда энг юқори иқтисодий ўсиш Ўзбекистонда кузатилади ва йиллик ўсиш бу сафар ҳам 8 фоиздан кам бўлмайди

Депутат минбари

Тошпўлат МАТИБАЕВ,  
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати.

Маълумки, ривожланаётган давлатларнинг кўпчилиги глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этишга муваффақ бўла-япти. Европа ва Осиёнинг бозор иқтисодиётига асосланган қатор давлатларида иқтисодиётнинг соғломлашиши кузатилаётган бўлса-да, вазият му-раккаблигича қолмоқда. Жаҳон банкининг куни-кеча тарқатган «2011 йилги глобал иқтисодий ис-тиқболлар» деб номланган янги маърузасида ана шу фикрлар очик баён этилган.

Маъруза муаллифлари-нинг қайд этишларича, жа-ҳон ялпи ички маҳсулотини ўсиши бу йил 3,3 фо-изгача секинлашиб, фақат 2012 йилда 3,6 фоиз дара-жага етади. Жаҳон банки-нинг эътироф этишича, 2012 йилда энг юқори иқтисодий ўсиш Ўзбекистонда кузати-лади ва йиллик ўсиш бу са-фар ҳам 8 фоиздан кам бўлмайди.

Мана шу фактнинг ўзиёқ, яна бир бор «ўзбек моде-ли» халқаро эътирофга са-зорор бўлаётганининг тас-дигидир, десак янгилимаган

бўламиз.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз бошчилигида олиб борилаёт-ган оқилона сиёсат туфайли бугун Ўзбекистон халқи боши-ни баланд кўтариб юриш бах-тига муяссар бўлди. Дунёдаги кўплаб ривожланган ва ривож-ланаётган айрим мамлакатлар ханузгача қарздорлик, нотинч-лик ва беқарорлик ўчоғидан узоқлаша олмаётган бир пайт-да Ўзбекистон ўзига хос та-раққиёт йўлини танлаб, хато қилмади. Ҳар қандай масала-да миллий манфаат бирламчи ўринга қўйилди. Юрт тинчли-ги, Ватан тараққиёти ва халқ



Давоми 3-бетда ➤

## Муқобил энергия манбалари

ва улардан фойдаланишнинг илмий-амалий ҳамда ҳуқуқий масалалари бугуннинг долзарб мавзуси

Дастур доирасида

Шоҳида ДАМАНОВА,  
«Adolat» мухбири.

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг сайловолди дастурида «Энергия ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайти-риб, уни қатъий тежаш тартибини тузиш, ишлаб чиқариш харожатлари ва маҳсулот таннархини ка-майтириш, қайта тикланадиган ноанъанавий энер-гия манбаларидан фойдаланиш механизмларини иш-лаб чиқиш ва энергиянинг мавжуд барча муқобил турларини комплекс ривожлантириш орқали рақо-батли энергетика бозорини ташкил этишни рағбат-лантиришга алоҳида эътибор қаратиш» — партия-нинг асосий вазифаларидан бири сифатида белги-ланган. Бу йўналишда партия ташаббуси билан сай-ловолди платформасида белгиланган вазифалар иж-росини таъминлаш ҳамда уларни амалга ошириш максимида салмоқли ишлар амалга оширилаётир.



Давоми 2-бетда ➤

## Қонунчилик: маҳаллий ва хорижий тажриба

Конференцияда қатнашган миллий ҳамда хорижий экспертлар томонидан «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жа-миятини ривожлантириш концепцияси»нинг роли ва аҳамиятини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъму-рий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг янги таҳ-рирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш борасидаги ишлари юқори баҳоланди.

2-бет

## «Пойгачининг кўзи говда»

ёҳуд бугунги шиддаткор замон тадбиркорлик субъектларида фаолият юритувчи барча тарафларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бирдек таъминлашни талаб этмоқда

Ҳозирги тезкор ҳаёт динамикаси янги-янги ғоя ва ташаб-бусларни олға суришни тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назар-дан айтадиган бўлсак, тадбиркорликни ривожлантиришда уларни қўллаб-қувватлаш, имтиёзли кредитлар олишида кўмаклашиш, соҳани аҳоли орасида тарғиб қилиш сингари амалий тадбирлар билан чекланиб қолиш бир майдонда ай-ланиб қолишдек гап.

3-бет

## Эртақ тўқини биласизми?

Бугунги болаларга эртақ айтишнинг ўзи бўлмайди. Бу-нинг боиси, компьютер ўйинларига унча-мунча қўли келиб қолган, телевидениеда кўрмаган мультфильм қолмаган бо-лаларни афсонавий девлар, ялмоғиз кампирлар билан ҳар доим ҳам қизиқтириш қийин. Шу боис, халқ оғзаки ижоди-нинг ноёб намуналарини эътибордан соқит қилмаган ҳолда, эртақларнинг мавзуларини бироз замонавийлаштириш, бо-лаларнинг бугунги орзу-ҳаёлларига мослаштириш зарурга ўхшайди.

4-бет

# Сиёсат



## Муқобил энергия манбалари

ва улардан фойдаланишнинг илмий-амалий ҳамда ҳуқуқий масалалари бугуннинг долзарб мавзуси

Давом. Боши 1-бетда

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси ҳамкорлигида Тошкент давлат техника университетига ташкил этилган "Муқобил энергия манбаларини ривожлантиришнинг илмий-амалий ва ҳуқуқий масалалари" мавзусида ташкил этилган давра суҳбати ҳам худди шу мақсадга хизмат қилди.

Давра суҳбатини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Ҳасанбой Мухоммадов, "Адолат" СДП фракцияси раҳбари И.Саифназаров кириш сўзи билан очиб, шундай деди:

— Маълумки, партиямиз мамлакатимизда қайта тикланувчи, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш борасидаги ишларни янада жонлантириш тарафдори. Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон — энергия ресурсларига бой мамлакат. Бироқ дунёда энергияга бўлган талабнинг кучайиб бориши, ўз навбатида энергия захираларининг 30-40 йиллар орасида поёнига етиши борасидаги фарзлар ўрта ва узоқ муддатли стратегияда нефть ва газ ўрини боса оладиган муқобил энергияларни ривожлантириш заруриятини юзага келтириши аниқ. Марказий Осиё ва, айниқса, Ўзбекистонда ҳам энергия истеъмолининг ошиб бориши, атропо-муҳит муҳофазасига оид муаммолар нисбатан арзон, экологик тоза, муқобил, қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш заруриятини янада ошириши, шубҳасиз.

Таъкидланганидек, олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, йил давомида қуёш нур сочиб турадиган Ўзбекистон шароитида қайта тикланувчи энергия манбаларининг кичик гидростанция, қуёш, шамол, био-масса ресурслари ва геотермал турларини ривожлантириш имкониятлари бисёр. Ўзбекистон

"Адолат" СДП энергиянинг мавжуд барча муқобил турларини комплекс равишда ривожлантириш орқали рақобатли энергетика бозорини ташкил этишни рағбатлантиришга устувор вазифа сифатида қараётгани учун ҳам парламент кўйи палатасидаги фракция депутатлари томонидан "Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, бугунги кунда тегишли вазирлик ва идоралар билан бу борада маслаҳатлашувлар олиб боришмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси депутатлари, "Ўзбекэнерго" ДАК ва Тошкент давлат техника университети Энергетика факультети ҳамкорлигида республикамизда муқобил энергия манбаларидан ва электрэнергиядан оқилна фойдаланиш, уни тежаш, ушбу йўналишда малакали мутахассислар тайёрлашни жорий этиш масалалари юзасидан муайян ишлар олиб борилаётгани ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

— Ҳозирги вақтда "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси умумий қиймати 5272,7 миллион доллар бўлган 44 та инвестицион лойиҳа амалга оширишни кўзда тутган, — деди "Ўзбекэнерго" ДАК бошқаруви раиси ўринбосари Р.Раимов. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси санаотини 2011-2015 йилларда ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги Қарорига кўра соҳани устувор ривожлантириш дастури амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу дастурда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича умумий қуввати 55,8 МВтга ошириш ва 12 та ишлаб турган ГЭС-ларни модернизация қилиш ҳамда шамол ускуналарини яратиш ҳамда эксплуатация қилиш бўйича тажриба орттириш мақсадида Чорбоғ сув

омбори худудида 750 КВТ қувватли синов самол энергетика қурилмасини яратиш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, вазирлар Маҳкамаси топширигининг ижроси юзасидан Хоразм вилоятида 10 та қишлоқ врачлик пунктларида компаниянинг маблағи ҳисобига электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришга имкон берувчи қуёш коллекторларини ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳозирги пайтда 4 та қишлоқ врачлик пунктларидан лойиҳа тўлиқ якунига етган бўлиб, қолган объектларда ишлар давом эттирилмоқда. Фарғона ва Наманган вилоятларидаги Меҳрибонлик уйлари ҳам худди шундай ишлар якунига, Андижондаги Меҳрибонлик уйда қуёш коллекторларини жорий этиш тадбирлари олиб боришмоқда.

— Соҳада мутахассисларни тайёрлаш ва олий таълим ўқув юртлири моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида компания томонидан электр энергиясини назорат қилиш ҳамда ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган илмий-ўқув лабораторияси ташкил этилган ва худди шундай лабораторияларни республиканинг 14 худудида жорий этиш амалга оширилмоқда, — деди ТошДУ Энергетика факультети декани А.Алимов. — Шунингдек, факультетимиз худудида 2 та қуёш электр станцияси модуллари ва 2 та шамол ускунаси монтаж қилиниб, замонавий муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш борасида лаборатория яратилди. Унинг стенини яратиш бўйича ишлар бошлаб юборилди ва у ҳам жорий йил якунига етди. Бу тадбирлар компания томонидан тўлиқ молиялаштирилиб, амалга оширилган, ушбу турдаги энергия манбаларидан фойдаланишнинг дастлабки заминини яратишнинг имкони туғилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси ташаббусига кўра қайта тик-

ланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича тайёрланган қонун лойиҳаси ҳозирги кунда муҳокамалар жараёнидан ўтмоқда. Шу билан бирга, фракция депутатлари ташаббусига биноан "Ўзбекэнерго" ДАК, ЎзРФнинг Энергетика ва автоматика институту билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчан энергия манбаларини ривожлантириш, улардан фойдаланган ҳолда электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришнинг узоқ муддатга мўлжалланган истиқболли концептуал низомлари ва йўналишлари" мавзусидаги ишлар, бошлаб юборилган. Бу концепцияга асосан узоқ муддатга мўлжалланган истиқболли концептуал низомлари ва йўналишлари ривожлантириш, энергетика ускуналарини ишлаб чиқариш таҳлил қилинади. Шунингдек, гидроэнергетика ресурсларини иссиқлик билан таъминлашнинг, кичик қувватли қуёш фотозлектр қурилмалари ва электр станцияларини кичик қувватли шамол-электр ҳамда шамол-қуёш энергетика мажмуалари ҳамда бошқаларни ишлаштириш бўйича концептуал тақлифлар ҳамда қайта тикланадиган энергия манбалари ривожлантиришнинг меъририй-ҳуқуқий соҳаларда қўллаб-қувватлаш механизми бўйича тақлифлар ишлаб чиқилади.

Тадбир доирасида муқобил энергия манбалари соҳасида фаолият юритувчи, замонавий стандартларга мос, ҳозирги талабларга жавоб берадиган асбо-ускуналар билан жиҳозланган янги лаборатория тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида талабалар мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар. Иштирокчиларга қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасида амалга оширилган ва амалга оширилиши кўзда тутилган ишлар ҳақида тушунчалар берилди. Тадбир йилгиланганда катта таассурот қолдирди.

## Наманганликлар қувончи чексиз

Давом. Боши 1-бетда

Айниқса, Наманган шаҳрига кираверишда қурилган янги кўприк ва ҳалқа йўли шаҳар-созлик ҳамда меъморчилик соҳасидаги ўзига хос янгилик деса бўлади. Президентимизнинг Фарғона ҳалқа йўлидаги йўл ўтказгич кўпригини кўздан кечириб, шаҳар йўлларини бир-бирдан фарқлаиб туриши учун уларга ўзига хос ранглар бериш ҳақидаги тавсиялари йўлсозларни ҳам ҳайратда қолдирди.

Одамларнинг янги маънавий қиёфаси, ойдин орзулари, эртанги кунга ишончи... Буларнинг бари истиқлол шарофатидан.

Наманганликлар мустақиллик уларга нима берганлигини яхши идрок этишади, ушбу олий неъматга қандай жавоб қайтариш кераклигини ҳам. Саҳий кузнинг тафти кунларида Президентимизнинг Наманганда бўлганлиги, унинг ҳаёти билан яқиндан танишганлиги, тадбиркорлар, меҳнаткашлар, фермерлар,

ёшлар, талабалар, оддий одамлар билан суҳбатлари, вилоятни ривожлантириш ва янада обод қилиш бўйича берган маслаҳатлари бизларни шод ва мамнун этди. Хуллас, вилоятнинг бугунги ва эртанги кунини ҳар доим Юртбошимизнинг диққат марказида тургани наманганликлар кўнгилни тоғдек кўтарди, уларни янги-янги меҳнат марраларига чорламоқда. Бундай таширнинг кадрни ва аҳамияти ана шунда бўлса керак!

## Интеллектуал мулк ҳимояси

дастурий ғояларимиз ва электроратимиз манфаатларига ҳамоҳанг

Давом. Боши 1-бетда

Маърузачи мазкур қонун лойиҳаси биринчи ўқишда берилган тақлифлар инobatга олинган ҳолда иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддаси Ер кодексининг 51-моддаси ҳамда «Фермер ҳўжаликлари тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига мослаштирилаётганлигига депутатлар диққатини қаратди.

Фракция аъзоси З.Ботирова қонун лойиҳасига кўра ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилаётган Қонунларнинг айрим моддаларини бугунги замон талабларига мослаштириш зарурати тутилганлигига тўхталиб, хусусан, 1998 йилда қабул қилинган «Мадааний бойликларнинг олиб чиқиши ва олиб кирилиши тўғрисида»ги Қонуннинг 19-ҳамда 26-моддаларида келтирилган нормаларнинг ҳуқуқий мақомини янада қатъийлаштириш лозимлиги юзасидан ўз тақлифларини билдирди.

Фракция аъзолари томонидан берилган аниқлаштирувчи саволлар ҳамда тақлифлардан сўнг қонун лойиҳаси маъқулланди.

Биринчи ўқишда депутатлар муҳокамасига ҳавола этилган «Интеллектуал мулк тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари тақлифлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси билан Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси А.Раҳмонов таништирди.

— Фан ва техника тараққиёти зудлик билан одимлаётган ҳозирги даврда интеллектуал мулк соҳаси ҳар бир мамлакат иқтисодийнинг муҳим қисми бўлиб бормоқда, — деди маърузачи. — Шунинг учун интеллектуал мулк муҳофазасини янада такомиллаштириш устувор вазифалардан ҳисобланади. Бунда интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш мақсадида ягона давлат сиёсатини олиб бориш ва амалга ошириш муҳим ўрин тутди.



Мазкур қонун лойиҳаси Президентимизнинг жорий йил 24 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилган. Ушбу қарор асосида ҳозирги вақтда интеллектуал мулк соҳасида бир-биридан мустақил ҳолда фаолият кўрсатиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ҳамда Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги негизда Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги ташкил этилди.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши интеллектуал мулк соҳасидаги қоида ва атамаларни унификациялаш ва бир хилда қўлланилишини, юридик ва жисмоний шахсларни ортқича молиявий харажатлардан халос этишни, интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари кенгайишини таъминлайди.

— Партиямиз сайловолди дастурида замонавий илм-фан ва техника ютуқларини, истиқболли ғоялар ва ихтироларни реал амалиётга теиз татбиқ этиш қобилиятига асосланган инновацион иқтисодиётга ўтиш тарафдори эканлиги белгилаб қилинди.

қўйилган, — деди фракция аъзоси Қ.Жўраев. — Шу нуқтаи назардан мазкур қонун лойиҳаси дастурий ғояларимизга ҳамда электроратимиз манфаатларига тўла мос келади. Қонун лойиҳаси бозор иқтисодиёти шароитида янги технологиялар ҳамда ихтироларни, илмий-конструкторлик ҳамда ижодий ишларнинг бошқа турларини ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этишга ҳар томонлама кўмаклашиш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, тадбиркорлик субъектлари учун интеллектуал мулк соҳасидаги кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш борасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш ва амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Қизгин фикр-мулоҳазалар ҳамда тақлифлардан сўнг депутатлар мазкур қонун лойиҳасини бир овоздан қўллаб-қувватладилар.

Йилгиланган кўрилган масалалар юзасидан фракция аъзолари ўз тақлиф ва тавсияларини билдирдилар, фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

## Қонунчилик: маҳаллий ва хорижий тажриба

Адлия вазирлиги Аҳборот хизмати.

Самарқанд шаҳрида "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқишнинг долзарб масалалари" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

Мазкур конференция Адлия вазирлиги томонидан Германия халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги ва бошқа вазирликлар,

давлат қўмиталари ҳамда идораларнинг масъул ходимлари, илмий тадқиқот ва олий таълим муассасалари вакиллари, шунингдек, Германия, Франция, Хитой ва Россия давлатларидан

тажрибали буюрган экспертлар, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ҳамда қатор халқаро ташкилотлар вакиллари, ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда таъкидланганидек, муҳтарам Юртбошимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида эълон қилинган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да белгиланган вазифалар изчил амалга оширилмоқда. Концепция ижроси юзасидан давлат ва жамият

ҳаётининг барча соҳалари, шу жумладан, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасига оид бир қатор қонун ҳужжатлари лойиҳалари ишлаб чиқилиб, қабул қилинмоқда.

Хусусан, ушбу Концепцияда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини ҳар томонлама қайта ишлаш ва янги таҳрирда қабул қилиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Ана шу вазифа ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида махсус эксперт гуруҳи ташкил этилган бўлиб, гуруҳ томонидан Кодексни янада такомиллашти-

риш мақсадида қизгин иш олиб борилмоқда.

Конференция давомида миллий ва хорижий экспертлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқишнинг долзарб назарий ва амалий масалаларни батафсил муҳокама қилинди. Жумладан, маъмурий жавобгарликка оид қонунчиликни унификациялаш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш ва демократлаштириш, бундай ишларни юртишда қонунийликни

таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш ҳамда бу борада хорижий мамлакатлар тажрибаси муҳокама мавзуси бўлди.

Шунингдек, анжуманда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича эксперт гуруҳининг кодекснинг концептуал қоидаларини ишлаб чиқиш ва унинг лойиҳаси матнини тайёрлаш борасидаги иши ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

Конференцияда қатнашган миллий ҳамда хорижий экспертлар томонидан "Мамлакатимиз-

да демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"нинг роли ва аҳамиятини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш борасидаги ишлари юқори баҳоланди.

Конференция якунида бундай тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича қўйилган вазифани самарали амалга оширишга хизмат қилиши ҳақида яқдил фикр билдирилди.

# Ўзбекистон кучлилар сафида қолади

## Жаҳон банкининг эътирофи этишича, 2012 йилда энг юқори иқтисодий ўсиш Ўзбекистонда кузатилади ва йиллик ўсиш бу сафар ҳам 8 фоиздан кам бўлмайди

Давоми. Боши 1-бетда

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Комплекс бўйича жами бир триллион 354,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Ўсиш суръати 2010 йилнинг шу давридагига нисбатан 122,7 фоизни ташкил этди. Аҳолига 742,9 миллиард сўмлик (120,6) фоиз пуллик хизматлар кўрсатилди. Экспорт прогнози кўрсаткичлари 183,1 фоизни ташкил этди.

Яқин-яқингача ҳам бундай натижалар гўё ушалмас оро эди. Энди эса Президентимизнинг «Ўзбекистон деб аталмиш гўзал ва муқаддас дёғиримизнинг равнақи учун бутун борлигимизни ва ҳатто жонимизни бахшида этишимиз керак» деган даъватлари бежиз янграмаганини англаб турибмиз.

Бугун жаҳон Ўзбекистонга ҳавас ва ҳайрат ила бокмоқда. Энг ривожланган давлатларнинг ҳам белини буккан жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шариотида юртимиз иқтисодиёти барқарор ривожланаётгани танлаган тараққиёт йўлимиз нақадар тўғри ва ҳаётий эканлигини яна бир бор исботламоқда. Бу ҳар биримизга гуруҳ ва ифтихор бағишлаши баробарида, кучимизга куч қўшмоқ-

да, эртанги кунимизга ишончимизни янада мустаҳкамламоқда.

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шариотида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби ўнлаб хорижий тилларга таржима қилинган ва жаҳонда илмий асосда чуқур ўрганилаётганининг моҳияти шунда.

Ўзбекистонда ҳар томонлама асосланган таркибий қайта ўзгартиришлар, фаол инвестиция сиёсати, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш дастурини амалга ошириш, экспортга йўналтирилган янги корхоналарнинг ташкил этилиши, ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва транспорт коммуникацияларининг жадал ривожлантирилиши иқтисодиётни барқарор ва мувозанатлашган ҳолда тараққиёт эътириши имконини берамоқда.

Аҳоли бандлиги даражасини оширишнинг энг муҳим манбаларидан бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ҳамда касаначиликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш доимий эътиборда.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фермерлик



ҳаракатининг самарасини янада ошириш мақсадида қилинаётган ишлар ҳам ўз самараларини берамоқда. Барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тобора ортбормоқда. Истиқлол шарофати билан ўз донимизга, бемин-

нат номимизга эга бўлдик. Жорий йилда галлакорларимизнинг фидокорона меҳнати эвазига 6,8 миллион тоннадан зиёд галла хирмони бунёд этилди. Пахтакорларимиз ҳам юксак марраларни кўлаб меҳнат қилмоқдалар.

Мамлакатимизда олиб борилаётган бандлик даражасини ошириш, меҳнатни рағбатлантириш, аҳоли даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган сиёсат инсон манфаатларига хизмат қилмоқда. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида иш ўринлари қисқариши давом этаётган бир пайтда 2011 йилнинг биринчи ярим йиллигида 520,2 мингтадан ортиқ иш ўрни ташкил этишга эришганимиз катта муваффақиятдир. Шу қаторда одамларимизнинг иш ҳақи, даромади барқарор ўсмоқда. Буни уларнинг турмуш фаровонлиги юксалаётгани, янги, замонавий уй-жойлар бунёд этаётгани, энгил автомобиллар харид қилиши кўпаяётгани сингари ҳаётий мисоллар ифода ҳам қўришиши мумкин. Ваҳоланки, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти таҳлилчилари хулосаларига қараганда, бугунгача молиявий бўҳрон сабабли дунё миқёсида 30 миллион киши ўз иш жойидан ажралган. Хусусан, ишсизлик даражаси АҚШ ва Евроҳудудда 10 фоизга етган. «Экономист» журнали кайд этишича, Европа ҳудудиде ишсизлар сони бир йил ичида 2 фоиз кўпайган.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, инсоннинг турмуши, яшаш шариоти ўзгарса, унинг эртанги кунга бўлган муноса-

бати ўзгаради, ишончи мустаҳкамланади. Шу боис қишлоқларимиз қиёфасини замонавий архитектура ва саноят асосида тубдан ўзгартириш ва янгилаш, уй-жой, ижтимоий ва коммунал объектлар, коммуникацияларни барпо этиш бўйича мазмуни ва миқёси жиҳатидан мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилмоқда. Бундай улкан ишлар замирида юртдошларимиз, хусусан, қишлоқларда яшайдиган инсонлар турмуш фаровонлигини юксалтириш, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётимизни янада яхшилаш сингари эзгу мақсадлар мужассамдир.

Ортимизнинг тобора обод бўлиб, қиёфаси бутунлай ўзгараётгани, Ватанимизнинг тараққиётдаги ютуқлари, авваломбор, мамлакатимиздаги тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат туфайлидир. Таҳлилчилар ҳам глобал инқироздан талафотсиз, муваффақиятли чиқаётган мамлакатлар орасида Ўзбекистон биринчилар қаторида эканини мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сураётгани билан изоҳламоқдалар. Буни Осие Тараққиёт банки президенти Харухико Курода ҳам алоҳида эътироф этди. Унинг фикрича, «Ўзбек модели» муваффақиятининг асоси шундаки, Ўзбеки-

тон раҳбарияти ҳозирги шароитда фақат ташқи қарзларга таянмасдан иқтисодиётни фаол диверсификация қилиш ҳамда бой минерал, ишлаб чиқариш, саноят, қишлоқ хўжалиги ресурсларидан ва энг муҳими — инсоннинг юксак интеллектуал салоҳиятидан оқилона фойдаланиш чораларини кўрди.

Албатта, Ўзбекистон яқин келажакда тараққиёт этган иқтисодиёти билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етуқ фарзандлари билан ҳам жаҳонни лол қолдиришига шубҳа йўқ. Аммо бу жараён маҳалла фуқаролардан тортиб ҳар бир фуқарога, давлат ва нодавлат ташкилотлардан тортиб сиёсий партияларгача, оммавий ахборот воситаларидан тортиб маҳалла фуқаролар йиғинларига ҳам ташаббускор ва фаол бўлишни талаб этади. Қолаверса, минтақанинг бўлажак тақдирини ҳам кўп жиҳатдан Ўзбекистонга боғлиқ экани турли халқроқ дорагаларда эътироф этилаётганини назарда тутсақ, мамлакатимиз танлаган тараққиёт йўли келажакда қўшни давлатларга ҳам намуна бўлиши мумкинлигини англаб етатиш. Бу эса улкан имкониятлар мамлакатни бўлган она юртимизнинг эртаси учун ҳар бир фуқаро даҳлдорлик ҳисси билан яшashi лозимлигини англайди.

# “Пойгачининг кўзи ғовда”

## ёхуд бугунги шиддаткор замон тадбиркорлик субъектларида фаолият юритувчи барча тарафларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бирдек таъминлашни талаб этмоқда

Мулоҳаза  
Фарҳод ЭСОНОВ,  
“Adolat” мухбири.

Бугун Ўзбекистон демократик давлат куриши, эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил одимлаб бормоқда. Юртбошимиз раҳнамолигида мустақиллигимизнинг ўтган йигирма йили мобайнида барча соҳаларда фахрланса арзигулик ютуқ ва муваффақиятларни қўлга киритдик. Мақсадимиз эса аён, Ўзбекистон дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан ўрин эгаллашдир.

Бунинг учун бизда барча асослар яратилди. Ижтимоий-сиёсий бўладини, иқтисодий, ҳуқуқийми, барча-барчаси босқичма-босқич изчил ривожланиб бормоқда. Буни жаҳоннинг энг зўр сиёсатчилари ҳам эътироф этишмоқда.

Буни биргина муҳтарам Юртбошимиз 2010 йилнинг 12 ноябрь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номи маърузасида ўтган даврдаги босиб ўтган йўлимизни чуқур ва атрафли таҳлил этиб, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқувчи ривожланиш Концепциясини белгилаб берганлигида ҳам кўриш мумкин.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда мутлақо янги давр бошланди. Концепцияда Юртбошимизнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш йўналишида илгари сурган қонунчилик ташаббуслари ва шу асосида амалга оширилган ишлар бунинг ёркин далилидир. Булар доирасида сиёсий партияларнинг мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни ва қарорлар қабул қилишдаги ролини оширишга қаратилган ташаббуслар, айниқса, аҳамиятли.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда фаолият юритаётган давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти босқичма-босқич кучайтирилди. Энг муҳим жиҳат — унинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб берганлигида бўлди. Биргина “Сиёсий партия-

ларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонун ҳамда “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг кучга кирганлигини эслашнинг ўзи қийф. Чунки бу жараён сиёсий партиялар фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган туб ва изчил ислоҳотлар, тараққиётнинг яна бир янги даврига қадам ташлаш — Асосий Қомусимизга баъзи ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тақозо этди. Концепцияда белгиланган қонунчилик ташаббуслари асосида “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Қонун қабул қилинди.

Ушбу қонун билан Бош Қомусимизга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ролини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши каби муҳим босқичларда алоҳида аҳамият касб этади.

Хўш, ана шундай кенг имкониятлар, шарт-шароит, ваколатлар берилган мамлакат сиёсий партиялари қандай бўлмоғи керак, деган саволга барчамизнинг жавобимиз таъин, албатта. Тўғри, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партиялар йўналишларини аниқ белгилаш ҳолда, ўз

ҳаётий дастурлари асосида қизгин фаолият юритиб келмоқда. Аъзолари ва хайрихоҳлари манфаатини ҳимоя қилиб, ордидан эргаштира олаётти. Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий эрдამга муҳтож аҳоли қатламлари манфаатларини ифода этган ҳолда ҳимоя қилиб келмоқда. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам ўз дастурий мақсадини амалга ошириш мақсадида миллий аънаваларни ва кадрларни сақлаш, тарихий обидаларни асраш каби ўз йўналишида салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Юқори малакали мутахассис ва ишчилар, илм-фан ва муҳандис-техник зиёлилар вакиллари, педагоглар, шифокорлар, ёшлар сингари факторати манфаатини ҳимоя қилиб, қолаверса, улар эрдამига таянган ҳолда Ўзбекистон “Адолат” СДП ҳам муайян ютуқларга эришиб келаётти.

О’зЛиДеР ўрта синф — тадбиркорлар, фермерлар, хусусий сектор вакиллари, моддий ва интеллектуал мулк эгалари манфаатларини ифодалаган ва ҳимоя қилган ҳолда муайян сиёсий таърибага эга бўлди. Партия айнан ана шу ижтимоий қатлам манфаатларини ифодалаб келмоқда. Ўз сайловли дастурида ўрта синф вакиллари мамлакатимизнинг моддий бойликлари ва маънавий кадрларини яратиш ҳамда кўпайтириш борасида муҳим роль ўйнави, ижтимоий жиҳатдан энг фаол, иқтисодий жиҳатдан мустақил кишилар эканлигига тариф берилган.

Ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш йўлида О’зЛиДеР бор куч ва имкониятларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларда голиб чиқишга қаратди. Ва бунга қайсидир маънода эришди ҳам.

Шу ўринда бир мулоҳаза: Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг парламент куй палатасидаги фракцияси аъзолари ҳам бошқа рақобатчи партиялар қаторида ўрта синф — тадбиркорлар, хусусий сектор вакиллари, фермерлик ҳаракатининг манфаатларини ифодаловчи давлат куриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эришмоқда. Шу сабабли Ўзбекистон “Адолат” СДП меҳнатқашлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналарда ишчиларнинг меҳнат шариотларини яхшилаш, бизнес тузилмаларнинг ижтимоий масъулиятини янада ошириш ва бу борада қонунчилик базасини такомиллаштиришни муҳим вазифа, деб ҳисоблайди.

Тўғри, ижтимоий-иқтисодий масалаларни фақат давлат ҳокимияти органларининг самарали хатти-ҳаракатлари билан ҳал этиб бўлмайди. Шу сабабли Ўзбекистон “Адолат” СДП меҳнатқашлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналарда ишчиларнинг меҳнат шариотларини яхшилаш, бизнес тузилмаларнинг ижтимоий масъулиятини янада ошириш ва бу борада қонунчилик базасини такомиллаштиришни муҳим вазифа, деб ҳисоблайди.

О’зЛиДеРнинг сайловли дастурида: “Тадбиркорлар давлат ва хўжалик бошқаруви тизимини демократлаштириш соҳасида белгиланган ислоҳотларнинг изчил ўтказилишидан бошқа ҳар қандай соҳа эгаларидан қўра қўрақ манфаатдордирлар. Бундай ислоҳотлар, шубҳасиз, уларга ўз ишчанлик қўбилиятларини рўёбга чиқариш, бойликларини сақлаш ва кўпайтиришнинг муҳим қарорлиги бўлиб қолмоқда. Бироқ буни инкор қилмоқчи эмасмиз.

Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг сайловли дастурида белгиланганидек, “Партия Ўзбекистонда амалга ошириладиган “Ислохот ислохот учун” эмас, авваломбор инсон учун” таъминлашга риоя қилган ҳолда, келгусида ҳам кучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаш орқали давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок этади. Аҳолининг ҳаддан ташқари камбағаллар ва бойларга бўлиниб табақаланишига йўл қўймайлик, аҳоли турмуш сифати кўрсаткичларини янада яхшилашга қаратилган аниқ сый-ҳаракатларини амалга ошириш бундан кейин ҳам партиянинг асосий вазифаси бўлиб қолади.”

Тўғри, ижтимоий-иқтисодий масалаларни фақат давлат ҳокимияти органларининг самарали хатти-ҳаракатлари билан ҳал этиб бўлмайди. Шу сабабли Ўзбекистон “Адолат” СДП меҳнатқашлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналарда ишчиларнинг меҳнат шариотларини яхшилаш, бизнес тузилмаларнинг ижтимоий масъулиятини янада ошириш ва бу борада қонунчилик базасини такомиллаштиришни муҳим вазифа, деб ҳисоблайди.

Хозирги тезкор ҳаёт динамикаси янги-янги ғоя ва ташаббусларни олға суришни тақозо қилмоқда. Шу нуқтаи назардан айтганда бўлсақ, тадбиркорликни ривожлантиришда уларни қўллаб-қувватлаш, имтиёзли кредитлар олишида қўмақлаш, соҳани аҳоли орасида тарғиб қилиш сингари амалий тадбирлар билан чекланиб қолиш бир майдонда айланб қолишдек гап. Айтиш жоизки, ана шу жиҳатлар Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг назаридан четда эмас. Бунга бир мисол, партия инновация туридаги иқтисодиётни ташкил этиш муҳим вазифа, деб ҳисоблайди. Бу масалани партия сайловли дастурида ҳам аниқ, асослаган ҳолда белгилаб олган.

Хусусан, энергия ҳажмини камайтириш, қатъий тежаж тартиби, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш, қайта тикланганидан ноънаванвий энергия манбаларидан фойдаланишни асослаш механизмларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва татбиқ этиш партия диққат марказида бўлиб келмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари иштирокиде мамлакатимизда муқома бил, қайта тикланганидан энергия манбаларидан фойдаланиш ҳолати, унинг иқтисодий ҳамда экологик афзалликлари, соҳага доир қонунчилик ва уни такомиллаштириш масалалари,

шунингдек, бу борадаги хорижий давлатлар таърибасига бағишланган турли тадбирлар ўтказилиб, унинг афзалликлари кенг тарғиб қилиниб келинмоқда. Бунда “Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компанияси билан ҳамкорлик яши самара бермоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон “Адолат” СДП ўзининг ижтимоий ҳамкорлари билан ҳамкорликда республика миқёсида турли кўрик-танловларини ташкил этиб келмоқда. Ана шулардан бири “Энг яхши ижтимоий бизнес-ғоя” кўрик-танловидир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан ташкил этилган мазкур танловга Тошкент шаҳар, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидан юзга яқин ёш олимлар, тадбиркорлар ўзларининг бизнес-ғоялари, ихтиролари билан қатнашди. Танловдан қўзланган асосий мақсадлардан бири — партия дастурида белгиланган вазифаларга ва замон талабига жавоб берадиган бизнес ва тадбиркорлик инфратузилмаларини яратиш мақсадида банк, лизинг, бошқа кредитлаш ташкилотлари ҳамда суғурта ташкилотлари имкониятларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида кенг тарғиб қилиш ва улар имкониятларидан фойдаланишда қўмақ бериш, шунингдек, голибларни оталиққа олиш ва уларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Бундай мисолларни қўллаб келтиришимиз мумкин. Бил-аъёқ, гал тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳақида кетар экан, “пойгачининг кўзи ғовда” деганларидек, юқорида таъкидлаганимиздай, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг асослаш механизми партияда эрдამ берамиз, ер майдонлари ажратилишида қўмақлашамиз... деб бонг уриш қайда-ю, чуқур ўйлаб иш юритиш қайда?! Ваҳоланки, бугунги шиддаткор замон ушбу масалага янада кенгроқ ёндошишни, тадбиркорлик субъектларида фаолият юритувчи барча тарафларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бирдек таъминлашни талаб этади.

Бугун ўзбек халқининг соодатли кунлар зиёсидан иқболи кулган, бахти бугун. Юртимиздаги тинчлик ва хотиржамлик боис мамлакатимиз изчил тараққиёт йўлига тушиб олди. Бойроқларимиз ҳам шунга муносиб тарзда нишонланмоқда. Буни биргина мамлакатимизда 1 октябрь — Ҳўкувати ва мурубийлар кўни сифатида умумхалқ миқёсида кенг нишонланганлигида ҳам кўриш мумкин.

# Эъзоз ва қадр

Тадбир  
Фарҳод ЭРКИНОВ.

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида ёш авлод таълим-тарбияси, камолотида гоят муҳим ўрин тутувчи ўқувчи ва мураббийлар меҳнатини эъзозлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш масаласига юксак эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Давлатимиз раҳбарининг Фармони билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнқ кўрсатган ҳодимлар Ватанимизнинг юксак муқофотлари билан тақдирланиб келинмоқда. Мамлакатимиздаги ўқув масканлари жаҳон андозалари даражасига кўтарилди. Мухтасар айтганда, Истиқлол шарофати билан ўқувчи ва мураббийлар ҳам эъзоз ва қадр топди...

Ўзбекистон “Адолат” СДП ҳам давлат ва жамоат ташкилотлари қаторида ушбу санга бағишланган қатор байрам тадбирларини уюштирди. Партиянинг Тошкент шаҳар, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашларида байрам тадбирлари ўзгача руҳ билан ташкил этилди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки илм-фан наомандалари, зиёлилар, педагоглар партия таянчи, электорати ҳисобланади.

Ана шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон “Адолат” СДП Чилонзор тумани кенгаши ҳамда туман Халқ таълими бўлими ҳамкорлигида ташкил этилди. Тадбирда сўз олганлар Президентимизнинг ўқувчи ва мураббийлар меҳнатини қадрлаш, муносиб рағбатлантириш борасидаги беқиёс ғам-хўрликлари соҳа мутахассисларининг касбий маҳорати янада ошади бориши, тизимга янгича педагогик технологияларнинг татбиқ этилишига муҳим аҳамият элига эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Диктант, танлов!



### “Адолат” СДП билимдони” совринли викторинасида иштирок этинг

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати Матбуот хизмати ташаббуси билан кенг жамоатчиликнинг сиёсий-хуқуқий маданиятини янада юксалтириш, уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган ишловлардаги фаоллигини ошириш, партия ҳақидаги билимларини бойитиш ҳамда фаолиятимиз ҳақида янги маълумотлар бериш мақсадида “Адолат” СДП билимдони” номли совринли-викторина ташкил этилди. Унда ўз билимининг синонвлдан ўтказишни мақсад қилган ва ёши, маълумоти, партиявийлигидан қатъи назар барча ҳоҳловчилар иштирок этиши мумкин. Саволларга жавобларни ўзингизга қулай йўл билан:

**интернет орқали** — info@adolat.uz электрон почтасига;  
**почта хизмати орқали** — 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Нова кўчаси, 14-уйга;  
**шахсан топшириш учун** — Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Нова кўчаси, 14-уй, 4-қават, 12-хонага;  
**факс орқали** — +99871 230 56 07 рақамига

2011 йилнинг 25 ноябрга қадар паспорт ёки шахсингизни тасдиқловчи бошқа ҳужжат нусхаси ва фотосурат билан бирга топширишингиз керак. Энг тўғри ва тўлиқ жавоб берган викторина иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун — 8 декабрь арафасида тақдирланади. Фолбилар 1 та асосий, 2 та қўшимча ўринларда аниқланади ҳамда “Адолат” социал-демократик партиясининг эсдалик совгалари ва дипломи билан тақдирланади. Асосий фолбиларнинг фотосурати ва у ҳақидаги маълумотлар “Адолат” ижтимоий-сиёсий газетаси ва сайтида эълон қилинади.

**Саволлар:**

1. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси қачон ташкил топган?
2. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг асосий электорати таркибига кимлар кирди?
3. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари ким?
4. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси сайловолди дастури қачон қабул қилинган?
5. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси жаҳон социал-демократик ҳаракатининг қайси широкларини илгари суради?
6. Инновация масаласи Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сайловолди дастурининг қайси йўналишида илгари сурилган?
7. 2009-2010 йилдаги сайловларда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига неча нафар депутат сайланган?
8. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг парламент қўйи палатасидаги хотин-қиз депутатлари сони қанчани ташкил этади?
9. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг олий органи ва қуйи органи қандай номланади?
10. “Адолат” ижтимоий-сиёсий газетаси нечанчи йилдан нашр этила бошланган?
11. Атиргул нима сабабдан Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг рамзи сифатида танланган?
12. Бошланғич партия ташкилотлари қандай тузилади?
13. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Ижроия қўмитаси томонидан юртимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб қандай танловлар ўтказилди?
14. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қандай кўмиталар мавжуд? Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан сайланган депутат қайси кўмитага раислик қилади?
15. Партияга аъзо бўлиб қираётган шахсга неча партия аъзоси тавсиянома бериши керак?
16. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси сайловолди дастури қандай йўналишлардан иборат?
17. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ташкил топгандан бери неча Қурултой ўтказди?
18. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси раҳбари бир вақтнинг ўзига яна қандай лавозимларга эга?
19. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси экология ва атроф-муҳит ҳимояси масаласида қандай принципни илгари суради?
20. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг асосий ҳамкор ташкилотларини сананг.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати.

### ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!



“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг Янги таҳриридаги лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу лойиҳа www.minjust.uz веб сайтининг “Қонунчилик” бўлими, “Қонун ҳужжатлари лойиҳалари” саҳифасига жойлаштирилган. Ушбу лойиҳа бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларингизни www.minjust.uz веб сайти орқали ёки Адлия вазирлигига ёзма равишда билдиришингизни сўраймиз.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг янада эркинлигини таъминлашда Сиз томонингиздан билдирилган таклифлар албатта, қўриб чиқилади.

Мурожаат учун:  
 Тошкент, 100047, Сайилгоҳ кўчаси, 5  
 Телефон: (+998 71) 236-28-54 Факс: (+998 71) 236-05-09  
 E-mail: info@minjust.gov.uz

# Эртақ тўқишни биласизми?

Мулоҳаза учун мавзу  
М. АХМЕДОВ.

Болалигимизда ота-оналаримиздан эшитган эртақлар тез-тез ёдимизга тушади. Учар гиламлар, қанотли тулпорлар, ёвуз аждаҳо, ялмоғиз кампир, еб тўймас дев, улар билан тенгсиз жангга отланган баҳодирлар, болаларни тошга, айққа, қурбақа ёки бошқа бир ҳайвонга айлантириб қўядиган бераҳм сеҳрарлар, уларнинг кирдикорлари хотирамизга ўчмас бўлиб муҳрланган.

Эртақлар: “Бир бор экан, бир йўқ экан. Оч экан-да, тўқ экан... Қадим ўтган замонда, қорақалпоқ деган томонда бир подшо яшаб ўтган экан...”, деб бошланарди. “Зумрад ва Қиммат”, “Ур тўқмоқ”, “Қирқ ёлгон”, “Уч ога-ини ботирлар”ни, халқ достонларини, жангномаларни тунларни тонларга улаб ўқиганимиз, тинглаганимиз. Эртақчи болалар, момолар чироқларнинг хира ёруғида уларни шундай ҳикоя қилишардики, ўзимизни гўё эртақ воқеалари ичида юргандек ҳис қилардик. Китоб дўконига келган анги саргузашт китобларни биринчи бўлиб сотиб олишга, ўртоқларимизга овоз чиқариб ўқиб беришга ҳаракат қилардик. Ичимизда эртақларни роса келиштириб, девларнинг кўрқинчли овозини, баҳодирларнинг наъра тортишини, отларнинг кишинишини, қилчидларнинг жанранг-журингини хўб ўхшатиб ўқийдиган болалар ҳам бор эди.

Мана энди, орадан йиллар ўтиб, ўзимиз ҳам бийовидек эртақчи болаларга айланиб қолдик. Аммо бугунги болаларга эртақ айтишининг ўзи бўлмайди. Бунинг боиси, компьютер ўйинларига унча-мунча қўли келиб қолган, телевидениеда кўрмаган мультфильми қолмаган болаларни афсонавий девлар, ялмоғиз кампирлар билан ҳар доим ҳам қизиқтириш қийин. Шу боис, халқ оғзаки ижодининг ноб номуналарини эътибордан соқит қилмаган ҳолда, эртақларнинг мавзула-

рини бироз замонавийлаштириш, болаларнинг бугунги орзу-хаёлларига мослаштириш зарурга ўхшайди.

Бу борада бошқача фикрлар ҳам бўлиши табиий, аммо менинг кузатувим шуки, бир хил сюжетли саргузашт, афсонавий эртақлар уларни аввалига жон қулоғи билан тинглаётган болаларни кейинроқ қизиқтирмай қўяди. Чунки, бугунги болаларнинг аксарияти жуда кичик ёшдаёқ тўқима афсоналарнинг фарқида боради. Аммо кўпчилигимиз бадиий китоблар оламида, сеҳру синоатлар дунёсига айнан эртақлар орқали кириб келганимиз, оғзаки нутқимизнинг равонлиги, ширадорлиги шу саргузаштлар туйфайли эканлиги ҳам сир эмас. Демак, бола, барибир, эртақ тинглаши, ўқиши керак. Хўш, бу муаммони қандай ҳал қилиш мумкин?

Бироз ҳафсала қилинса, болаларнинг бугунги ҳаётига, қизиқишларига мослаб эртақ тўқиш унча қийин иш эмас. Бир гал набираларимга яхши ва ёмон тушунчаларни ўқдириш, одобли ва одобсиз болалар тўғрисида сўзлаб бериш учун, “Зумрад ва Қиммат” эртақига суяниб, қуйидаги “эртақ”ни тўқишимга тўғри келди:


“Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим ўтган замонда Алижон ва Валижон деган иккита бола бўлган экан. Алижон акиси Валижондан икки ёш кичик бўлса-да, жуда одобли бола экан, онасини хафа қилмас экан, овқатини тўқмай ер экан, ўйинчоқларини синдирмас экан. Уртқ-

лари сўраса, қизганчоғлик қилмай, уларга ҳам ўйинчоқларидан бериб турар экан. Кийимларини сира кир қилмас экан.

Валижон бўлса гапга кирмайдиган, қулоқсиз бола экан. Онаси овқат олиб келса, “Овқат емайман, конфет беринг, шоколад беринг, “Фанта” ичаман”, “Музқаймоқ ейман”, деб хархаша қилаверар экан. Отаси ўйинчоқ олиб келса, Алижонга бермай, бир ўзи ўйнаб, бир кундаёқ синдириб қўяркан. Онаси: “Ўғлим, кел, менга қаршиб юбор” деса, бунга ҳам кўнмас экан. Жуда тарбиясиз бола экан.

Бир куни ака-ука кўчада ўйнаб юришган экан, битта қари кампир олдиларига келиб, “Болаларим, болаларим, мен чарчаб қолдим, йўлдан ўтолмай турибман, ёрдамлашиб юборинглар”, дебди. Валижон унамабди. Алижон бўлса кампирнинг қўлидан ушлаб, йўлнинг нариги томонига ўтказиб қўйибди. Кампир “Раҳмат, болам, сен жуда яхши бола экансан”, дебди-да, Алижонга совға берибди. Ака-ука уйга келиб, совгани очиб қўришса, ичида кўпгина ширинликлар бор экан, маъза қилиб ейишибди. Валижон “Мен сендан каттаман, кўпроқ ейишим керак”, деб роса кўп ебди. Кўп еганидан қорни оғриб қолибди.

Эртаси куни ака-ука яна кўчага ўйнагани чиқишибди. Бир вақт кеча Алижонга совға берган кампир келиб қолибди. Валижонга “Болажоним, мен чарчаб қолдим, йўлдан ўтолмай турибман, ёрдамлашиб юбор”, дебди. Валижон бўлса: “Ўзим чарчаб турибман, ўзингиз ўтаверинг”, деб унамабди. Кампир: “Майли, болам, мана бу туғунни олгин-да, уйингга бориб, ичинини оч”, деб унга ҳам совға берибди. Ака-ука уйга қайтишибди. Валижон укаси Алижонга кўрсатмади совгани очибди. Очиб қараса, ичи тўла чумоли экан, ҳаммаси югургилаб чиқиб, Валижонни роса чақишибди, роса чақишибди...”.



Шу-шу ҳар куни набираларга ака-ука Алижон билан Валижон тўғрисида турли воқеалардан иборат ўзим тўқиган эртақларни айтиб берадиган бўлдим. Битта эртақни ака-ука қандай овқатланишларига, яна биттасини уларнинг бошқа болалар билан дўстлашишига бағишладим. Алижон билан Валижоннинг қандай расм чизишлари тўғрисидаги эртақ, айниқса, қизиқарли чиқди:

“Алижон билан Валижонга ойиси расм чизиш учун қоғоз, бўёқ қалам олиб келибди. Алижон самолётнинг расмини жуда чиройли қилиб чизибди. Бир вақт самолётнинг моторлари гўмбурлаб ишлаб кетибди. Параклари вайриллаб айланибди. Қанотлари силкинибди. Кейин самолёт тилга кириб: “Алижон, сен мени жуда чиройли чиздинг, раҳмат сенга, қани энди ўтир, мен сени осмонга олиб чиқиб, юлдузларни томоша қилдираман”, дебди. Алижон хурсанд бўлиб, самолётга ўтирибди. Юлдузларни роса томоша қилибди. Осмоннинг тепасида юлдузлар шунақа кўп экани, Алижон уларни санамоқчи бўлибди, аммо санаб саномига ета олмабди.

Укаси самолётда маъза қилиб ўчиб, осмондан уйларига қайтиб келгач, Валижон “мен ҳам самолёт расмини чизаман”, деб роса шошилибди. Аммо у чизган самолёт унчамади. “Ҳой самолёт, нега учмаяпсан, мен ҳам юлдузларни кўрмоқчиман?”, деса, самолёт унга шундай жавоб берибди:

— Сен мени жуда ёмон чиздинг. Қанотларим қийшиқ, битта гилдирагим синган, паррагим айланмади, уча олмаيمان”, дебди. Шунда Валижон укаси билан самолётда учирини илтимоос қилибди. Алижон рози бўлибди, аммо самолёт кўнмабди. “Мен жуда кичкинаман, икки кишини қўтара олмаيمان, Валижон ўзи шойилмай чизиб олсин”, деб туриб олибди...”.

Ҳар куни уйкуга ётиш олди-дан янги тўқиган эртақларимни айтман, улар мириқиб тинглашди. Ахлоқларидаги баъзи қусурларни дарҳол эртақка айлантирдим. Гап ўзлари ҳақида бораётганини сезиб қолмасликлари учун эртақ қаҳрамонларига ҳар гал бошқа-бошқа ном қўяман. Кейин-кейин набиралар ҳам ўзларича эртақ тўқи, менга айтиб берадиган бўлишди. Мўҳими, тўқима эртақлар кўп ўтмай уларнинг ахлоқларига ижобий таъсир ўтказа бошлагани сездим. Бу тўғрисида эртақни мутахассислар нима дейишар экан?

## Ҳурматли юртдошлар!

# “Асака” банки (ОАЖ)

Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ)  
 филиаллари телефонлари:  
 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	8 371	120-83-13
Автотранспорт филиали	8 371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	8 371	140-39-36
Юнусобод филиали	8 371	225-16-46
Сирғали филиали	8 371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	8 371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	8 374	224-40-96
Асака филиали	8 374	233-13-69
Фарҳод филиали	8 374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	8 373	224-70-83
Марғилон филиали	8 373	237-12-37
Олтиариқ филиали	8 373	432-10-11
Қўқон филиали	8 373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	8 369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	8 436	223-54-32
Зарафшон филиали	8 436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	8 365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	8 365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	8 366	231-08-86
Афросиёб филиали	8 366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	8 375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	8 376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	8 361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	8 362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	8 367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	8 372	226-43-11

**«Мураббий — 2011»**  
 Сақланиш муддати — 9 ой  
 Ҳисобланган фоизлар олдиндан (аванс) ёки омонат ёпилганда (9 ойдан) сўнг берилди.

**Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиб мумкин.**

**ДАТ «Асака» банк (ОАЖ) сармоянгни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.**

**Барча жамғармангиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:**

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган

### «Мактаблар: келажак ҳамкорлари»

Тошкент Гёте институти «Мактаблар: келажак ҳамкорлари» ташаббуси доирасида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда 2011 йил 30 сентябрдан 29 октябргача “Математикани қўлга ол!” кўргазмасини тақдим этмоқда.

Гиссен “Математикум” музейининг “Математикани қўлга ол!” интерактив кўргазмаси барча ёшдаги кишилар учун мўлжалланган бўлиб, у Европа ва Американинг бир қанча давлатларида намойиш этилган. Ушбу севилими кўргазма биринчи марта Осиёга, хусусан, Ўзбекистонга ташириб буюргани қувонарлидир. Кўргазма ўзининг 26 экспонати билан, жумладан, Леонардо чизган одам, улкан совуқ пўстлоғи ва улкан калейдоскоп каби объектлар сизни биргаликда ишлашга таклиф қилади.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Хоразм вилояти Кенгаши Хазорасп тумани кенгаши раиси Алишер Худойқуловга турмуш ўртоғи **Муқаддас АВЕЗМЕТОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардик билдиради.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Наманган вилоят Кенгаши партия фаоли **Алижон ОБИДОВ**нинг вафоти муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

## ADOLAT

ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши

Ташриф хайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Исмонил САИФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қошир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Рашид ХАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МҲМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

Баш муҳаррир: Хулоёр МАМАТОВ  
 Баш муҳаррир биринчи ўринбосари: Абдували СОЙИБНАЗАРОВ (Нашр учун масъул)

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 236-57-14; Маданият, ахборот, спорт ҳамда халқаро алоқалар бўлими — 236-54-39;

Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият — 233-41-89.

Навбатчи муҳаррир — Номоз САЪДУЛЛАЕВ.  
 Навбатчи — Нурбек АБДУХАЛИЛОВ.

«Адолат»дан қўчириб босиб факат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

«Шарқ» НМАК босмаханасида chop этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г—1000. Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 3734. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 23.00

1 2 3 4

ISSN 2093-5217